



«5» август 2013 йил

№ 547-Қ

ҚАРОР

Боғ яратиш ва ободонлаштириш
ишларини амалга оширишга рухсат
бериш тўғрисида

Каттақўрғон шаҳар М.Улуғбек кўчаси 6 уйда яшовчи фуқаро Носиров Махмудни шаҳар ҳокими номига ёзган аризасини, шаҳар ҳокимлиги ҳузурида тузилган далолатномасини инобатга олиб, Ўзбекистон Республикаси Ер ва Шаҳарсозлик кодексларига асосан

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Каттақўрғон шаҳар ҳокимлиги ҳузурида тузилган далолатномаси тасдиқлансин.
2. Каттақўрғон шаҳар М.Улуғбек кўчаси 6 уйда яшовчи фуқаро Носиров Махмудга У.Барноев кўчаси атрофида собиқ «Чорвачилик» жамоа хўжалиги ҳудудидаги шаҳар ҳокимлиги захирасида бўлган 1,0 га ер майдонида боғ яратиш, ободонлаштириш ишларини амалга ошириш учун рухсат берилсин.
3. Боғ яратиш, ободонлаштириш ишлари амалга оширишни бугунги кун Архитектура ва қурилиш қонун талабларига риоя қилган ҳолда архитектура ва қурилиш бўлими билан келишилган лойиҳа ҳужжатлари асосида амалга ошириш фуқаро М.Носиров зиммасига юклатилсин.
4. Ерни натура тарзида жойида ўлчаб бериш, бугунги кун архитектура ва қурилиш талабларига жавоб берадиган лойиҳа асосида қурилишни назорат қилиш шаҳар Архитектура ва қурилиш бўлими ҳамда Каттақўрғон шаҳар хўжалик ҳисобидаги «Ер тузиш ва кучмас мулк кадастр» хизмати давлат унитар корхонаси зиммасига юклатилсин.
5. Ўзбекистон Республикаси Ер кодексига курсатилган 2 йил муддат ичида боғ яратиш ободонлаштириш ишлари амалга оширилмаса ушбу қарор ўз кўчини юқотди деб ҳисоблансин.
6. Ушбу қарор ижросини назорат қилишни ўз зиммамда қолдираман.

Шаҳар ҳокими

С.З.Раззаков.